

Хулосалар.

1. Акация шираси кенг тарқалган сўрувчи зараркунандалардан бири бўлиб, республикаимизда қўплаб экинлардан ташқари, манзарали дарахт ва буталарни (жумладан фотинияни) ҳам шикастлаб зиён келтиради.

2. Фотиния ўсимлигини ширалардан ҳимоя қилиш учун қуйидаги юқори самара кўрсатадиган инсектицид-акарицидларни тавсия этамиз: Вертимос Голд, 5% эм.к.-0,4 л/га, Вертимос ИКС, 6% сус.к.-0,3 л/га, Агроплан НЕО, 20% с.э.к.-0,3 кг/га, Мекар м.эм, 18 г/л.-04 л/га.

АДАБИЁТЛАР:

1. Хўжаев Ш.Т. ва бошқалар. Пестицид ва агрохимикатларни рўйхатга олиш синовларини ўтқизиш юзасидан услубий кўрсатмалар // Тошкент. 2023. – 182 б.
2. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. – Тошкент: Янги нашр нашриёти, 2019. – 375 б.
3. Abbot W.S. A method of computing the effectiveness of an insecticide // J. Econ. Entomol. – Vol. 18. – 1925. - N 3. – pp.265-267.
4. Berberet, R.C., Giles, K.L., Zarrabi, A.A., Payton, M.E. Development, reproduction, and within-plant infestation patterns of *Aphis craccivora* (Homoptera: Aphididae) on Alfalfa. Environ. Entomol. 2009. - 38(6), 1765-1771 pp.
5. Borowiak-Sobkowiak, B., Durak, R., Wilkaniec, B. Morphology, biology and behavioral aspects of *Aphis craccivora* (Hemiptera: Aphididae) on Robinia pseudoacacia. Acta Sci. Pol. Hortorum Cultus, 2017. - 16(1), 39-49 pp.
6. Du, J.; Wei, X. A new kind of red-leaf garden plant-*Photinia × fraseri*. J.Anhui Agric. Sci. 2009. - 37, 5263-5265 pp.
7. Gutierrez, A.P., Morgan, D.J., Havenstein, D.E. The ecology of *Aphis craccivora* Koch and subterranean clover stunt virus. I. The phenology of aphid populations and the epidemiology of virus in pastures in South-East Australia. J. Appl. Ecol., 1971. - 8(3), 699–721 pp.
8. Han, W.; Gai, S.; Liu, Z.; Xu, R.; Wang, S.; Zhang, Y. Ecological service function evaluation of urban greening shrubs in Guanzhong region, Shaanxi Province. Bull. Soil Water Conser. - 2023, 43, 61-68 pp.
9. Harrington, R., Bale, J.S., Tatchel, G.M. Aphids in a changing climate, insects in a changing environment, Harrington, R. Stork, N.E. (eds). Academic Press, U.K. 1995. – 126-155 pp.
10. Traicevski, V., Ward, S.A. Birth weight and the rate of increase in the cowpea aphid *Aphis craccivora*. Eur. J. Entomol., 1994. - 91, 37-46 pp.

УЎТ: 632:632.7:632.914

МАНЗАРАЛИ ВА БУТА ЎСИМЛИКЛАРИ АГРОБИОЦЕНОЗИДА УЧРАЙДИГАН ЗАРАРКУНАНДА- ЛАРНИНГ ТУР ТАРКИБИ ВА УЧРАШ ДАРАЖАСИ

Хўжаев Шомил Турсунович

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
Бўстонлиқ тоғ илмий-тажриба станцияси, қ.х.ф.д., профессор

Бойжигитов Фозил Муҳаммадиевич

Тошкент шаҳар Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи, қ.х.ф.н., катта илмий ходим

Нуржобов Аббос Уткирович

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти
таянч докторанти

<https://orcid.org/0009-0002-0479-0727>

Аннотация. Ушбу мақолада манзарали ва бута ўсимликларида: фотиния, лаврбаргли калина, қоя арчаси (скайрот) ҳамда магнолия ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган зараркунандаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Манзарали ўсимликлар, фотиния, лаврбаргли калина, қоя арчаси (скайрот) ҳамда магнолия, зараркунандалар, учраши, зарари, тарқалиши.

Аннотация. В статье приведены сведения о видовом составе и уровне распространенности вредителей, встречающихся на декоративных деревьях в агробиоценозах этих растений: фотинии, калина лавролистная, можжевельник скальный скайрокет и магнолии.

Ключевые слова: декоративные растения фотиния, калина лавролистная, можжевельник скальный скайрокет и магнолии, встречаемость, распространении, вредоносность.

Abstract. This article provides information on the species composition and level of occurrence of pests occurring in the agrobiocenosis of ornamental and shrub plants: photinia, laurel-leaved viburnum, rock fir (skyrrocket) and magnolia plants.

Keywords: landscape plants, photinia, bay viburnum, rock fir (skyrrocket) and magnolia, pests, occurrence, damage, distribution.

Кириш. Сўнги йилларда республикаимиз ҳудудларида яшил ҳудудларни кенгайтириш мақсадида, кенг кўламли ислохотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, шаҳар ва туманлар атрофида микроклим ҳосил қилувчи ноёб турдаги манзарали дарахт-бута ўсимликларининг кўчатларини микроклонал ва яшил қаламчалаш орқали кўпайтиришни жадаллаштириш ҳамда ушбу ўсимликларни зараркунад ва касалликлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги “Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-46-сонли ҳамда 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6262-сон Фармонлари эълон қилинган.

Манзарали ва бута ўсимликларининг ноёб турларини кўпайиши ва уларда татбиқ этиладиган агротехник чораларнинг таъсирига боғлиқ бўлмаган ҳолда зараркундаларнинг ривожланиши учун қулай шароитлар пайдо бўлганида, уларнинг сони ёппасига кўпайиб, ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши кузатилмоқда. Шу сабабли, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, “Tashkent City Park” ҳудудида етиштирилаётган манзарали ва бута ўсимликларида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркиби ва учраш даражасини аниқлаш мақсадида маршрутли кузатув ишлари олиб борилди.

Натижалар ва мунозара. Олиб борилган илмий изланишлар натижасида манзарали ва бута ўсимликлари агробиоценозида 2 та синф, 4 та туркумга мансуб, 9 турдаги зараркундалар учраши аниқланди (1-жадвал).

Фотиния (*Photinia fraseri little red*) ўсимлигида ўргимчаккана-*Tetranychus urticae* Koch., акация шираси-*Aphis craccivora* Koch. ва шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси-*Myzodes persicae*. кўп миқдорда, қайрағоч-қорағат шираси-*Eriosoma ulma* L., оддий куйруқли бузоқбоши-*Gryllotalpa unispina* Sauss. ўртача миқдода, тўр ҳосил қилувчи баргўровчиси-*Cacoeia reticulana* Hb. кам миқдорда учраши аниқланди.

Лаврбаргли калина (*Viburnum Lucidum*) ўсимлиги агробиоценозида акация шираси ва шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси кўп миқдорда учраган бўлса, ўргимчаккана, қайрағоч-қорағат шираси, терак қандаласи - *Monostira inermis* Horw. ўртача миқдорда, тўр ҳосил қилувчи баргўровчиси, зарарли бузоқбоши - *Polyphylla adspersa* Motsch. ва оддий куйруқли бузоқбоши - *Gryllotalpa unispina* Sauss. кам миқдорда учраши кузатилди.

Қоя арчаси-скайрот (*Juniperus skyrocket*) манзарали ўсимлик биоценозида қайрағоч-қорағат шираси ҳамда комсток курти - *Pseudococcus comstocki* Kuw. кўп, акация шираси, зарарли бузоқбоши ва оддий куйруқли бузоқбоши ўртача миқдорда учраши аниқланди.

Магнолия (*Magnolia grandiflora*) ўсимлигида ўргимчаккана ва акация шираси ўртача миқдорда учраган бўлса, тўр ҳосил қилувчи баргўровчиси, зарарли бузоқбоши ҳамда оддий куйруқли бузоқбоши кам миқдорда учради.

1-жадвал.

Манзарали ва бута ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркиби ва учраш даражаси

№	Зараркунандаларнинг номи	Манзарали ўсимликлар			
		<i>Photinia fraseri</i> <i>little red</i>	<i>Viburnum</i> <i>Lucidum</i>	<i>Juniperus</i> <i>skyrocket</i>	<i>Magnolia</i> <i>grandiflora</i>
Каналар – <i>Acariphormes</i> туркуми					
1.	Ўргимчаккана - <i>Tetranychus urticae</i> Koch.	+++	++	-	++
Тенг қанотлилар – <i>Homoptera</i> туркуми					
2.	Акация шираси - <i>Aphis craccivora</i> Koch.	+++	+++	++	++
3.	Қайрағоч-қорағат шираси - <i>Eriosoma ulma</i> L.	++	++	+++	-
4.	Шафтоли ёки иссиқхона яшил шираси - <i>Myzodes persicae</i> Sulz.	+++	+++	-	+
5.	Комсток курти - <i>Pseudococcus comstocki</i> Kuw.	-	-	+++	-
Қандалалар ёки яримқаттиқ қанотлилар – <i>Hemiptera</i> туркуми					
6.	Терак қандаласи - <i>Monostira inermis</i> Horw.	-	++	-	-
7.	Тўр ҳосил қилувчи баргўровчиси - <i>Cacoeia reticulana</i> Hb.	+	+	-	+
Тўғриқанотлилар - <i>Orthoptera</i> туркуми					
8.	Зарарли бузоқбоши - <i>Polyphylla adspersa</i> Motsch.	+	+	++	+
9.	Оддий куйруқли бузоқбоши - <i>Gryllotalpa unispina</i> Sauss.	++	+	++	+

Изоҳ: - учрамади, + кам сонда учради, ++ ўртача миқдорда учради, +++ кўп сонда учради.

Хулоса. Манзарали ва бута ўсимликлари агробиоценозида учрайдиган зараркундаларнинг тур таркиби, тарқалиши ва айрим биологик ривожланиш хусусиятлари ўрганилди. Эндиликда, зараркундаларнинг зарари, маъсул ҳимоя муддатлари ва иқтисодий зарарли миқдор бирлигини ўрганиб

аниқланганидан кейин, уларга қарши агротехник, биологик ҳамда атроф-муҳитга хавфи оз тегадиган инсектицид ва акарицидлар ёрдамида уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимини яратиш устида ишлар олиб борамиз.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бей-Биенко, Г.Я. Общая энтомология. – Москва: Высшая школа, 1966. – 496 с.
2. Васильев В.П., Лившиц И.З. Вредители плодовых культур. – Москва: Колос, 1984. – 398 с.
3. Корчагин В.Н. Защита растений от вредителей и болезней в садах и овоще-огородных участках. Москва: Агропромиздат, 1987. – 317 с.
4. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари (IV нашр). – Тошкент: Янги нашр, 2019. – 375 б.

УЎТ: 631.631.6;631.6631.67;632.913.1

ЃЎЗА БИОТИПИДА ТРИПС ПУШТДОРЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Сатторов Асқар Бўтаёрович,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси ИТИ Сурхондарё минтақавий филиали катта илмий ходими, б.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё минтақаси шароитида етиштириладиган ғўзанинг *Gossypireum barbadense* L. турига қирувчи ингичка толали, *Gossypireum hirsutum* L. турига мансуб маҳаллий ва вилоят тупроқ-иқлим шароитида илк бор парваришланаётган Хитой давлатидан келтирилган ўрта толали навлар биотибида трипс зараркундасининг тарқалиши ва ривожланишини ўрганиш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари баён қилинган. Тадқиқот натижаларига асосан ғўза биотибида ривожланаётган трипснинг ёзги авлодлари онтогенезида зотдорлик хусусиятининг тўсатдан кучайиб кетиши ва zichligining кескин ошиб кетиши қайд этилди.

Калим сўзлар: ғўза, трипс, онтогенез, чинбарг, *Gossypireum*, биотип, zichlik, зараркунанда, ривожланиш фазаси.

Аннотация. В этой статье представлен *Gossypireum Barbadense* L., выращенный в Сурхандарьинской области и впервые импортированный из Китая., *Gossypireum hirsutum* L., изучено распространение и развитие трипсов-вредителей в биотипах средневолокнистых сортов хлопка. время в местных и региональных почвенно-климатических условиях. По результатам исследования было отмечено резкое увеличение репродуктивных свойств и резкое увеличение плотности трипсов в онтогенезе летних поколений трипсов, развивающихся в хлопковом биотипе.

Ключевые слова: хлопок, трипсы, онтогенез, платан, госсипир, биотип, плотность, вредитель, стадия развития.

Annotation. This article presents *Gossypireum Barbadense* L., grown in Surkhondarya region and imported from China for the first time., *Gossypireum hirsutum* L., the distribution and development of thrips pests in the biotypes of medium-fiber cotton varieties has been studied. time in local and regional soil and climatic conditions. According to the results of the study, there was a sharp increase in reproductive properties and a sharp increase in the density of thrips in the ontogenesis of summer generations of thrips developing in the cotton biotype.

Keywords: cotton, thrips, ontogenesis, sycamore, gossyper, biotype, density, pest, stage of development.

Кириш. Сурхондарё вилояти географик жиҳатдан республикамининг энг жанубий қисмида жойлашганлиги тупроқ-иқлими ўзига хослиги, қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштириш учун қулай шароит яратади. Шу билан биргаликда, минтақа агробиоценозида тарқалган зараркундаларнинг тез ривожланиб кўпайиши ва авлод бериш сони кўп бўлишига ҳам имконият вужудга келади. Шунингдек, вилоятимизнинг Афғонистон давлати билан чегарадошлиги зараркунанда ҳашаротларнинг ҳаво оқими орқали ўтиш хавфини оширади (2).

Охириг йилларда кузатиладиган иқлим ўзгаришлари ҳам зараркундалар ривожланишининг турли даврларида ёки турли бўғинларида ўзгаришлар келиб чиқишига таъсир этиши мумкин (2). Бу ҳолатлар агробиоценозида зараркундаларнинг тарқалиши ва ривожланишини доимий равишда тадқиқ

қилиб боришни тақозо қилади. Сурхондарё вилоятида 2017 йилдан бошлаб минтақа шароитида етиштириладиган ғўза майдонларида трипс зараркундасининг сони ва шикаст белгилари нафақат ғўзанинг дастлабки ниҳоллик даврида, балки унинг кейинги ривожланиш фазаларида ҳам кучайиб кетиши мутахассислар томонидан чамалаш усули орқали кузатиб келинмоқда. Лекин, трипс онтогенезида пуштдорлик белгисида содир бўладиган ўзгаришларни илмий жиҳатдан тизимли равишда ўрганиш ишлари олиб борилмаган. Минтақа шароитида етиштириладиган ғўза майдонларида трипснинг ривожланишини илмий асосда тизимли равишда ўрганиш долзарб мавзу бўлиб қолмоқда.

Трипслар - ҳошия қанотлилар ёки трипслар (Thysanoptera) туркумига, тухум қўйгичлилар (Terebranta) кенжа туркумига, Thripidae оиласига мансуб.